

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАЕВ ХАЙРУЛЛА ХАЙИТОВИЧ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ-РЕКРЕАЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ  
БАҲОЛАШ ВА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ҲУДУДИЙ  
ТИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2022**

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
Географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
geographical sciences**

**Жумаев Хайрулла Хайитович**

Қашқадарё вилояти туризм-рекреация салоҳиятини баҳолаш ва туризм  
инфратузилмасининг ҳудудий тизимларини такомиллаштириш ..... 3

**Жумаев Хайрулла Хайитович**

Оценка туристско-рекреационного потенциала Кашкадарьинской области и  
совершенствование региональных систем туристической инфраструктуры . 23

**Zhumaev Khairulla Hayitovich**

Assessment of the tourist and recreational potential of the Kashkadarya region and  
the improvement of regional systems of tourist infrastructure ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖУМАЕВ ХАЙРУЛЛА ХАЙИТОВИЧ**

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТУРИЗМ-РЕКРЕАЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ  
БАҲОЛАШ ВА ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ ҲУДУДИЙ  
ТИЗИМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Gr97 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Назаров Маматқодир Исматиллаевич**  
география фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Турдимамбетов Изимбет Рахметович**  
география фанлари доктори

**Маҳмудов Муҳаммадисмоил Мухитдинович**  
география фанлари фалсафа доктори, (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педогогика университети**

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 2 июнь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет хиёбони, 15 уй. Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона.Тел.: (+99866) 239-16-36; факс: (+99866) 239-19-38, E-mail: [ik-geografiya2018@mail.ru](mailto:ik-geografiya2018@mail.ru)).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш, Университет хиёбони, 15 уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси).

**С.Б.Аббасов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, г.ф.д. профессор

**Б.А.Мелиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, география  
фанлари бўйича PhD.

**А.Абдулқосимов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.ф.д. профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Дунёда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ва Жаҳон савдо ташкилоти (WTO)нинг маълумотларига кўра, жаҳон бўйича 2019 йилда халқаро туризм бозорида 1,7 триллион долларлик хизматлар экспорти амалга оширилган шунингдек, йўловчи ташиш хизматлари (255 млрд. доллар) экспортининг 7 фоизи ва жаҳондаги жами хизматларнинг 28 фоизи халқаро туризм ҳиссасига тўғри келиб, кунлик туристик хизматлар экспорти ҳажми 5 миллиард долларни ташкил қилади<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан туристик хизматларни амалга ошириш асносида ҳудудларнинг туристик-рекреация салоҳиятини янада юксалтириш имкониятларини аниқлаш ва баҳолаш ҳамда мавжуд инфратузилмани такомиллаштиришни тақозо этади.

Сўнгги йилларда жаҳонда туризмни ривожлантириш имкониятларини аниқлаш, уни диверсификация қилиш, комплекс туристик хизматлар кўрсатиш, янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, туристик салоҳияти юқори бўлган сайёҳлик минтақаларида туристик зоналарни аниқлаш, уларда туристик ресурсларнинг мавжудлигини белгилаш, туристик-рекреацион кластерларни яратиш, ҳудудларнинг туристик имкониятларини комплекс баҳолаш, сайёҳлик хизмат турларини кўпайтириш ва ҳудудий ташкил этилишини такомиллаштириш ҳамда махсус дастурларни ишлаб чиқишга устувор аҳамият берилмоқда.

Республикамизда туризм соҳасини ривожлантириш, ҳудудларда туризм инфратузилмани кенгайтириш, туристик маҳсулотларни ва янги туризм объектларини яратиш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш, қулай иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг улкан туристик рекреацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш, бошқаришни тубдан такомиллаштириш, миллий туризм маҳсулотларини жаҳон бозорларида тарғибот қилиш, мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш бўйича устувор йўналишлар белгилаб берилди. “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”да эса асосий эътибор “...туризм соҳасини жадал ривожлантириш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни белгилашга, унинг иқтисодиётдаги ўрни ва улушини оширишга, хизматларни диверсификациялаш ва уларнинг сифатини ошириш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштириш”<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, ўзининг табиати, демографик ва ишлаб чиқариш

<sup>1</sup> <https://www.e-unwto.org/doi/book/10.18111/9789284422456>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармонида 1-илова “2019 - 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш” Концепцияси.

салоҳияти билан, шунингдек миллий қадриятлари ҳамда хунармандчилиги билан яхши танилган Қашқадарё вилоятининг туризм рекреация салоҳиятини баҳолаш, худудларнинг туристик инфратузилма тизимларини такомиллаштириш долзарб илмий – амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сон “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сон “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сон “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 8 мартдаги 198-сон “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2021 йил 1 мартдаги 112-сон “Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туризм ва рекреация географиясининг илмий назарий масалалари хориж олимларидан В.Хунцикер, К.Крапф, Р.Бартон, П.Деферем, Я.Варшинска, П.Мариот, С.Шпринцова, Н.Апостолов, Л.Денев, М.Бъчваров ва бошқаларнинг асарларида кўриб чиқилган. Ушбу масалалар МДҲ олимларидан В.С.Переображенский, Н.Н.Мирошниченко, Л.И.Мухин, Ю.А.Веденин, И.В.Зорин, Н.С.Мироненко, Т.Т.Христов, А.Д.Чудновский, М.Б.Биржаков, В.И.Кружалин, А.А.Шошина, С.Р.Ердавлетов, С.А.Шабельникова, А.Г.Низамиев каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда М.Р.Болтабоев, М.Қ.Пардаев, И.С.Тухлиев, А.С.Солиев, А.Х.Юсупов, М.Р.Усмонов, М.М.Муҳамедов, Д.К.Усмонова, М.Ҳошимов, А.Норчаев, Б.Ш.Сафаров, А.Н.Нигматов, М.Т.Алиева каби иқтисодчи ва географ олимлар ўз илмий тадқиқотларида туризм ва унинг турли масалалари бўйича тадқиқотларни амалга оширганлар. Шунингдек, Н.Ибрагимов, С.Рўзиев, Н.Шамуратова, Б.Камолов, Ш.Якубжонова, М.Мансуров, Ш.Шомуродова, М.М.Махмудовларнинг ишларида Ўзбекистон ва унинг турли минтақалари доирасида туризмнинг иқтисодиётга таъсири,

экотуризм, агротуризм масалалари ёритилган. Бевосита Қашқадарё вилоятида ландшафтларни рекреация мақсадида баҳолаш бўйича Р.Усмонова томонидан илмий тадқиқот олиб борилган.

Аммо шуларга қарамай, Қашқадарё вилоятининг улкан туристик рекреация салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, уни комплекс ўрганиш ва баҳолаш, туризм-рекреация инфратузилмасини такомиллаштириш ва шу асосда вилоятнинг туризм салоҳиятини юксалтириш зарурати мазкур тадқиқот иши мавзусининг танланишига асос бўлади.

**Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Жанубий Ўзбекистон табиатидан фойдаланишнинг географик-экологик жиҳатлари” ва “Жанубий Ўзбекистон туристик ва рекреация ресурсларини географик таҳлил қилиш, карталаштириш” мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё вилоятининг туристик-рекреация салоҳиятини комплекс баҳолаш ва туризм инфратузилмасининг ҳудудий тизимларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қашқадарё вилоятининг табиий географик шароити, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши хусусиятларини туризм ва рекреацияни ривожлантириш мақсадларида тавсифлаш;

Қашқадарё вилоятининг табиий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий туристик-рекреация ресурслари салоҳияти ва уларнинг ҳудудий таркибини таҳлил қилиш ҳамда вилоят ҳудудларининг (шаҳар ва қишлоқ туманларининг) туристик-рекреация салоҳиятини комплекс баҳолаш методикаси ва рейтингини ишлаб чиқиш;

Қашқадарё вилоятининг табиий-иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий туристик-рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида янги туристик маршрутлар ва уларнинг намунавий паспортларини ишлаб чиқиш;

Қашқадарё вилоятининг туризм-рекреация салоҳияти, туристик районлари ҳамда туризм инфратузилмаси карталарини тузиш;

Қашқадарё вилоятида туризм-рекреацияни оқилона ҳудудий ташкил этиш ва янада ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё вилоятининг туризм-рекреация ресурслари ва туризм инфратузилмаси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** Қашқадарё вилоятининг мавжуд туризм-рекреация ресурслари салоҳиятини ҳудудий таҳлил қилиш, комплекс баҳолаш ҳамда туризм инфратузилмасини такомиллаштиришнинг географик жиҳатларини тадқиқ қилиш билан белгиланади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда ҳудудий таҳлил, картографик, географик таққослаш, экспедиция, статистик таҳлил, анкета сўрови каби тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

- Қашқадарё вилоятини маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича ҳудудларнинг туристик-рекреация ресурслар салоҳиятини комплекс баҳолаш методикаси ва рейтинги ишлаб чиқилган;

- Қашқадарё вилоятидаги туристик объектлар ва ресурслар акс эттирилган туркум карталар (“Қашқадарё вилоятининг туристик-рекреация салоҳияти картаси”, “Қашқадарё вилоятининг туристик районлари картаси” ва “Қашқадарё вилоятининг туризм-рекреация инфратузилмаси картаси”) илк бор ArcGIS, CorelDraw дастурида яратилган;

- вилоятнинг табиий-иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий туристик-рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланишда комплекс (зиёрат, тарихий, археологик, эко, агро, астрономик, геотуризм, экстремал, спелео, рекреация, гастрономик, бизнес, саноат) турдаги янги туристик маршрутлар ва уларнинг намунавий паспортлари ишлаб чиқилган;

- Қашқадарё вилоятининг туристик-рекреация ҳудудларида (текислик, тоғолди ва тоғ) туризм инфратузилмасининг ривожланишини жадаллаштириш, уларнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг туристик ресурслари туризм ва рекреацияни ривожлантириш мақсадида баҳоланган, вилоят ҳудуди туристик-рекреация ресурслар салоҳияти асосида районлаштирилган;

ArcGIS, CorelDraw дастури асосида Қашқадарё вилоятнинг 1:1000000 масштабдаги туристик-рекреацион салоҳияти картаси, 1:1000000 масштабдаги туристик районлари картаси ва 1:1000000 масштабдаги туризм-рекреация инфратузилмаси карталари яратилган;

Ҳудудларнинг мавжуд туристик ресурслар салоҳияти кўрсаткичларини комплекс баҳолаш қишлоқ туманларининг туристик ресурслар салоҳияти бўйича умумий рейтингини аниқлаш имконини берган;

Вилоят миқёсида комплекс (зиёрат, тарихий, археологик, эко, агро, астрономик, геотуризм, экстремал, спелео, рекреация, гастрономик, бизнес, саноат) янги туристик маршрутлар ва уларнинг намунавий паспортлари ишлаб чиқилган;

Қашқадарё вилояти туристик-рекреация (текислик, тоғолди ва тоғ) районларини ривожлантириш ҳамда туристик-рекреация инфратузилмасини яхшилаш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқоти натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қашқадарё вилояти статистика бошқармаси, Ўзбекистон туризм ва спорт вазирлиги ва Қашқадарё вилояти туризм ва спорт бош бошқармаси, вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси маълумотлари ҳамда дала-кузатув ишлари асосида

бажарилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган туристик карталари, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, аввало ҳудудларнинг туристик-рекреация ресурслар салоҳиятини аниқлаш, комплекс баҳолаш ҳамда инфратузилмани яхшилаш бўйича методик ёндашувларни янада такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг туристик-рекреация ресурслар салоҳиятини аниқлашга, уларни комплекс баҳолашга, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қашқадарё вилояти туризм-рекреация салоҳиятини баҳолаш ва туризм инфратузилмасининг ҳудудий тизимларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Вилоятнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича туристик-рекреацион ресурслар салоҳиятини комплекс баҳолаш методикаси ва рейтинги ишлаб чиқилган. Вилоятнинг табиий-иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий туристик ресурсларини комплекс баҳолаш мезонларидан Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 03-17-02/11383-сонли маълумотномаси). Натижада, вилоятда мавжуд туристик-рекреацион ресурслардан оқилона фойдаланиш, рекреация фаолиятини ва истиқболда туризм ва рекреациянинг кўплаб турларини ривожлантириш имконияти яратилди;

Қашқадарё вилоятининг табиий-иқлимий, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий туристик-рекреация ресурслари салоҳияти ва имкониятлари акс эттирилган 1:1000000 масштабдаги “Қашқадарё вилоятининг туристик-рекреацион салоҳияти картаси”дан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019-йил 8-мартдаги “Қашқадарё вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 198-сонли қарорида кўзда тутилган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ҳамда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқишда, ҳудудларнинг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланишни ташкил этишда, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 03-17-02/11383-сонли маълумотномаси). Натижада, вилоятнинг табиий-иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий туризм рекреация салоҳиятини комплекс баҳолаш, шунингдек, ҳудудларнинг умумий туристик рейтингини аниқлаш имконияти вужудга келган;

Қашқадарё вилоятига ташриф буюрган сайёҳларнинг ҳудудлар бўйича таҳлилидан, мавжуд туристик ресурсларни туризм ва рекреацияни ривожлантириш мақсадларида баҳолаш мезонлари акс этган 1:1000000

масштабдаги “Қашқадарё вилояти туристик районлари картаси”дан вилоятнинг текислик, тоғолди ва тоғли ҳудудларида туристик инфратузилма объектларини жойлаштириш, тартибга солиш ва такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 03-17-02/11383-сонли маълумотномаси). Натижада, янги туристик объектлар, маршрутлар ва уларнинг паспортлари, ҳудудларнинг туризм-рекреация салоҳиятидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш, янги туризм инфратузилма объектларини ва маршрутларини жойлаштириш имконини берган;

Қашқадарё вилоятининг туристик-рекреация ҳудудлари (текислик, тоғ ва тоғолди)да туризм инфратузилмасининг ривожланиш даражасини аниқлаш, уларни такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ҳамда улардан вилоятнинг туристик-рекреацион ресурсларидан оқилона фойдаланиш, истиқболда туризм фаолиятининг кўплаб турларини ривожлантириш ҳамда мавжуд туризм инфратузилмасини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги 03-17-02/11383-сонли маълумотномаси). Натижада, вилоятнинг туристик районлари бўйича туризм инфратузилма тизимларини ривожлантириш чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 7 та мақола ҳалқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 21 та илмий мақолалар чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, шундан 1 таси Scopus базасидаги журналда чоп қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 140 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Худуднинг туризм-рекреация салоҳиятини тадқиқ қилишнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, туризм-рекреация ресурслари ва рекреацион фаолиятни тадқиқ қилишнинг ижтимоий-иқтисодий географик жиҳатлари, туристик салоҳиятни тадқиқ қилишда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, туризм ва рекреация географиясининг ривожланиш хусусиятлари, туризм ва рекреацияни ривожлантиришда республикамиз олимларининг илмий-назарий ёндашувларининг аҳамияти, туризмни ривожланишига таъсир этувчи табиий-иқлимий, тарихий-маданий, ижтимоий-иқтисодий, инфратузилма омиллари, сиёсий вазият ва бошқа омилларнинг аҳамияти аниқланиб, улардан туристик салоҳиятни оширишда фойдаланиш имкониятлари батафсил ёритилган.

Шунингдек, “туризм”, “рекреация” атамасининг мазмун-моҳияти, унинг туризмнинг таркибий қисми, туризм ва рекреация географиясининг вужудга келиши, туристик ресурсларнинг мазмун-моҳиятини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этишда хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқот ишлари таҳлили, Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиши ва ривожланишини ҳамда туризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар ва бошқа хусусиятлари атрофлича ёритилган.

Диссертациянинг “**Ўзбекистонда туризм ва рекреациянинг ривожланиши**” деб номланган иккинчи бобида Республикамизда туризм соҳасини янада ривожлантириш мақсадида туристик-рекреация фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, қулай иқтисодий ҳамда ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, туризм соҳасига оид ишлаб чиқилган илк ҳуқуқий меъёрий ҳужжат, давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати, туризм соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш, Ўзбекистонда туризмнинг шаклланиш ва ривожланиш даври, вилоятларнинг туризм-рекреация салоҳияти ва уларнинг минтақавий хусусиятлари, туризм учун истиқболли худудларни аниқлаш, туризмни диверсификация қилиш, туризм ва рекреацияни ривожлантиришда туризм инфратузилмасининг аҳамияти, асосий йўналишлари таҳлил қилиниб, уларни кенгайтириш йўллари очиб берилди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг тарихий-маданий туристик салоҳияти республикадаги меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари, республика вилоятларида туризмнинг турлари, йўналишларини ривожлантиришдаги тафовутлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг “**Қашқадарё вилояти туризм-рекреация ресурслари салоҳияти**” деб номланган учинчи бобида, вилоятнинг табиий географик шарт-шароитлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари, табиий-иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий туристик-рекреацион салоҳиятининг худудий таркиби ҳамда уни комплекс баҳолаш ва худудларнинг рейтингини аниқлаш ишлари амалга оширилди.

Қашқадарё ҳавзаси геоморфологик жиҳатдан учта асосий (тоғ, тоғолди ва паст тоғлар, текислик) минтақага ажратилади. Тоғ минтақаси асосан Зарафшон ва Ҳисор тизмаларига мансуб бўлган ўртача баланд ва баланд тоғларни ўз ичига олади. Тоғларда доимий қор ва музликлар, сой ва дарёлар, шаршаралар (Сувтушар, Татар, Хўккизбурун, Байталдуми, Терес ва б.), сой водийлари, табиат ёдгорликлари, карст шакллари, ғорлар, даралар (Қалаишерон, Қизилсув, Сувтушар, Турку, Туйғун, Кункурмас, Новшур, Танхоз, Оқсувдара, Қасам даралари ва б.), жозибадор рекреацион объектлар тоғ-чанғи, экотуризм, трекинг, алпинизм туризмини ривожлантириш учун қулай ҳисобланади.

Ҳазрати Башир, Юқори Аёқчи, Хўжа Немати, Шердоғ, Жовуз, Мадмон, Амағон. Алмати, Уғун, Сумсар қишлоқлари, Лангар, Тарағай, Катта Ура ва Кичик Урадариёларининг юқори оқимлари, Оққишлоқ, Шахшар, Дуконхона, Дуоб қишлоқларида, Майданак платоси, Торқопчиғой дарёсининг ўрта ва юқори оқимларида, Оқсув, Қизилдарё, Турна дарёси, Танхоздарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари келажакда дам олиш ва даволаш-соғломлаштириш масканларини жойлаштириш учун қулай ҳисобланади.

Қарши шаҳридан 60-120 км масофа узоқликда жойлашган Ҳисорак, Чимқўрғон, Пачкамар ва Нуғайли сув омборларини экология, ирригация ва мелиорация, санитария-гигиена талабаларига мос келишини ўрганган ҳолда, шаҳар аҳолиси учун очиқ сув ҳавзаси сифатида дам олиш масканига айланштириш мақсадга мувофиқ.

Ўртача даврга мўлжалланган Таллимаржон, Қалқама, Қорабоғ, Қамашини ва Тошқоқсой сув омборларидан рекреация мақсадларида фойдаланиш, жумладан бу ерда балиқ овлаш, чўмилиш (пляж) ва бошқа рекреация турларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ.

Узоқ вақтга мўлжалланган Бобуртепа, Лукликўл, Шўробсой, Лангар ва Деҳқонобод сув омборларидан ҳам келажакда туризм ва рекреация мақсадида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Текислик ҳудудларда Шимолий Майманок, Майдаёб, Хўжақудук, Қорабайир, Алачабоб, Жанубий Муборак ва Қарши ер ости булоқларининг минераллашув даражаси анча юқори (80 г/л гача), тоғли ҳудудларда Кўкбулоқ, Чиллабулоқ, Қорабулоқ, Ҳайдарбулоқ, Қайнарбулоқ, Хўжа Инкан, Ўринбулоқ, Камолбулоқ ва бошқа минерал булоқларни мавжудлиги, бу ерларда кўплаб даволаш-соғломлаштириш муассасаларини ташкил этиш имкониятларини яратади.

Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз (Оқсарой, Мираки, Филон), Китоб, (Ҳазрати Башир, Варганза, Мингчинор), Яккабоғ (Ишкент, Татар), Чироқчи (Лангар, Тарағай), Қамашини (Майданак тоғи), Деҳқонобод (Чақчар тоғи, Консой шўр кўли, Хўжапоқ), Миришкор (Сичанкўл), Муборак (Қорақум қишлоғи, Ўтрор) туманларида ва бошқа шу каби экотуризм ва рекреация ресурсларига бой ҳудудларда тадбиркорлик субъектлари ва давлат-хусусий шерикчилиги туризм инфратузилма объектларини (меҳмон уйлари, кемпинг, санатория, дам олиш уйлари, болалар оромгоҳлари, чойхоналар, савдо ва транспорт хизматлари) барпо этиш имконияти мавжуд.

2019 йил ҳолатига Қашқадарё вилоятида жами 1311 та (Ўзбекистон Республикасининг 17,7 % ни ташкил қилади) моддий маданий тарихий мерос ёдгорликлари (объектлари) рўйхатга олинган. Шулардан, 1041 таси - археологик ёдгорликларга, 200 таси - архитектура, 43 таси - монументал санъат ёдгорликларига, 27 таси - диққатга сазовор жойларга тўғри келади. Булар, туризмни ривожлантиришда пойдевор бўлиб хизмат қилади. Вилоятнинг маданий тарихий моддий мерос салоҳияти юқори бўлган қишлоқ туманлари қаторига Яккабоғ (237 та), Шаҳрисабз (159 та), Китоб (158 та) туманлари мансуб. Улар вилоятнинг 42,2 % салоҳиятини ўзида мужассам қилган.

Қашқадарё вилоятининг шаҳар ва қишлоқ туманларини моддий маданий сайёҳлик рекреация салоҳиятига кўра қуйидаги 3 гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Вилоятнинг кўпчилик шаҳар ва қишлоқ туманлари (53,3 %) моддий маданий туристик салоҳиятига кўра ўрта салоҳиятли гуруҳга мансуб. Шунингдек, 1-чи гуруҳга мансуб шаҳар ва туманлар бу борада юқори салоҳиятга эга эканликларини кўрсатса, 3-чи гуруҳ шаҳар ва қишлоқ туманлари, аксинча сайёҳлик салоҳиятининг пастлиги билан ажралиб туради (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Шаҳар ва қишлоқ туманларини маданий сайёҳлик рекреация  
салоҳиятига кўра гуруҳлаш, 2019 й.**

Гуруҳлар	Шаҳар ва қишлоқ туманлари		Шаҳар ва қишлоқ туманлари номи	Жами моддий маданий мерос объектлари	
	сони	%		сони	%
I – Юқори салоҳиятли (150 тадан кўп*)	3	20,0	Яккабоғ, Шаҳрисабз, Китоб	554	42,2
II – Ўрта салоҳиятли (50-150 та)	8	53,3	Қарши, Ғузор, Касби, Косон, Чироқчи, Қамаш, Қарши шаҳри, Шаҳрисабз шаҳри	684	52,2
III – Паст салоҳиятли (50 тадан кам)	4	26,6	Дехқонобод, Миришкор, Муборак, Нишон	73	5,5
Вилоят бўйича	15	100,0		1311	100,0

Жадвал, муаллиф томонидан тузилган.

\*Изоҳ: Моддий маданий мерос объектлари сони.

Ушбу тадқиқотда Қашқадарё вилоятида туризм ва рекреацияни ривожлантиришда, мавжуд туристик ресурсларни қуйидаги учта йирик гуруҳ бўйича баҳолашнинг энг муҳим компонентлари тўплами шакллантирилди: I-табiiй-иқлимiiй (9 та мезон); II-тарихiiй-маданий (6 та мезон); III-ижтимоiiй-иқтисодiiй (7 та мезон). Баҳолаш ишлари жами 22 та мезон асосида амалга оширилди.

Жумладан, вилоятнинг табиий-иқлимий туристик рекреацион ресурсларини комплекс баҳолашда ҳудуднинг экологик ҳолати, табиий ва иқлим шароитининг қулайлиги, контраст (ландшафт хилма-хиллиги), ҳудуднинг рекреация имкониятлари, бальнеологик ресурсларнинг мавжудлиги, алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ўзига хослиги, жозибadorлиги ва табиий комплексларга туристик юк кўрсаткичлариларга эътибор қаратилган.

Вилоятнинг тарихий-маданий туризм-рекреацион ресурс салоҳиятини баҳолашда қуйидаги 6 та баҳолаш мезонлари танлаб олинди: ҳудуднинг тарихий ва маданий қиймати, ўзига хослик, тарихий ва маданий мерос объектлари билан таъминланиши, зичлиги, жозибadorлиги ва маданий мажмуаларга туристик юки каби мезонлар ажратиб олинди.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий туристик ресурсларини баҳолашда эса қуйидаги 7 та баҳолаш мезонларига асосланилди: ҳудуднинг транспорт имконияти, турар жойлар билан таъминлаш, шу жумладан ихтисослаштирилган, овқатланиш корхоналари билан таъминланиши, санаторий-курорт корхоналари билан таъминланиши, туристик маҳсулотларни турли туманлиги, туристик маълумот мавжудлиги ва инвестициянинг жозибadorлиги каби мезонлар олинди.

Туристтик-рекреацион ресурсларни комплекс баҳолаш - бу, компонентлар бўйича балли баҳолашни амалга оширилган ҳолда, уларни умумий маҳражга келтириб, интеграл баҳолашга эришишдир. Бу эса қуйидаги формула асосида аниқланади.

$$\Sigma_{КБ} = \Sigma_{I} \text{ТИТР} + \Sigma_{II} \text{ТМТР} + \Sigma_{III} \text{ИИТР} \quad (1)$$

Бу ерда,  $\Sigma_{I}$  ТИТР – табиий-иқлимий туристик ресурслар,

$\Sigma_{II}$  ТМТР – тарихий-маданий туристик ресурслар,

$\Sigma_{III}$  ИИТР – ижтимоий-иқтисодий туристик ресурслар.

Бизнинг фикримизча, туристик инфратузилма салоҳиятини баҳолашда, шунингдек, вилоят марказигача энг яқин бўлган масофа кўрсаткичини ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Туристтик ресурсларни комплекс баҳолаш ва олинган кўрсаткичларни қайта ишлаш ва интеграл кўрсаткичлар асосида вилоят ҳудудларининг рейтинги ишлаб чиқилди. Ҳудудларнинг рейтингини ишлаб чиқишда табиий-иқлимий ресурсларни 9 та мезон бўйича баҳолаш кўрсаткичларининг умумий йиғиндиси 9 га бўлиниб, олинган потенциал қиймат сон асосида рейтинги ҳисобланди. Ҳудди шундай тарихий-маданий ресурслар 6 та мезон бўйича баҳолаш кўрсаткичлари ва ижтимоий-иқтисодий ресурслар салоҳиятини 7 та мезон бўйича баҳолаш кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар рейтингини аниқланди (2-жадвал). Юқоридаги маълумотларни инобатга олган ҳолда, Қашқадарё вилоятининг 1:1000000 масштабдаги туристик-рекреацион салоҳияти картаси яратилди.

Туристтик-рекреацион районлаштиришда, жумладан Ўзбекистон ҳудудини 14 та экотуристтик районларга ажратишда А.Нигматов, Н.Шамуротова (2006, 2007), агротуристтик районлаштиришда А.Нигматов,

Ш.Якубжонова (2009), Чорвоқ сув омбори соҳилларини рекреацион микрорайонлаштириш Ш.А.Азимов (1992), Жанубий Ўзбекистонни рекреация мақсадларида иқлимий районлаштириш А.Х.Юсупов (1995), мамлакатимизда 6 та туристик районни ажратиш М.Р.Усмонов (2005), Наманган вилоятини экотуристтик районларга ажратиш Б.Х.Камолов (2018) томонидан бажарилган.

2-жадвал.

### Қашқадарё вилояти маъмурий-худудий бирликларининг туристик-рекреацион ресурслар салоҳиятини комплекс баҳолаш рейтингги

Табийий-иқлимий ресурслар			Тарихий-маданий ресурслар			Ижтимоий-иқтисодий ресурслар		
Рейтинг ўрни	Худудлар номи	Потенциал киймати	Рейтинг ўрни	Худудлар номи	Потенциал киймати	Рейтинг ўрни	Худудлар номи	Потенциал киймати
1	Китоб	4,6	1	Шаҳрисабз ш.	4,6	1	Қарши ш.	4,3
2	Шаҳрисабз	4,5	2	Яккабоғ	4,3	2	Шаҳрисабз	3,5
3	Яккабоғ	4,4	3	Қарши ш.	4,3	3	Шаҳрисабз ш.	3,2
4	Дехқонобод	4,3	4	Шаҳрисабз	4,0	4	Яккабоғ	2,2
5	Чироқчи	4,1	5	Китоб	3,8	5	Китоб	2,1
6	Қамаши	3,9	6	Қарши	3,6	6	Қарши	2,0
7	Шаҳрисабз ш.	3,0	7	Касби	3,3	7	Косон	1,8
8	Косон	2,9	8	Чироқчи	3,1	8	Чироқчи	1,6
9	Муборак	2,9	9	Ғузор	3,0	9	Муборак	1,5
10	Миришкор	2,6	10	Қамаши	2,8	10	Қамаши	1,4
11	Ғузор	2,6	11	Косон	2,6	11	Нишон	1,3
12	Қарши	2,5	12	Дехқонобод	2,5	12	Ғузор	1,3
13	Қарши ш.	2,4	13	Миришкор	1,8	13	Дехқонобод	1,1
14	Нишон	2,2	14	Муборак	1,6	14	Миришкор	1,0
15	Касби	1,9	15	Нишон	1,2	15	Касби	0,7
	Вилоят бўйича	3,3		Вилоят бўйича	3,1		Вилоят бўйича	1,3

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.


Қашқадарё вилоятини районлаштиришда, жумладан Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай (1962) агроиқлимий шароитдан келиб чиқиб, 3 та (Қарши, Китоб-Шаҳрисабз, Ғузор) табиий географик районларга, Й.Н. Балашова (1962) ва Л.Н.Бабушкин 5 та (Қуйи Қашқадарё, Жанубий тоғолди (Ғузор), Шимолий тоғолди (Шаҳрисабз-Китоб), Шимолий тоғли, Жанубий тоғли) кичик иқлим районларга, Р.А.Ходиев (1962) қишлоқ хўжалиги ихтисослашуви жиҳатидан 3 та (Шимоли-шарқий, Ўрта, Жануби-ғарбий) иқтисодий зоналарга, М.Янгибоев (1995) Қашқадарё вилоятида аҳоли жойлашувидан келиб чиқиб, 6 та (Шимоли-шарқий, Шарқий, Жануби-ғарбий, Ғарбий, Марказий, Шимолий) иқтисодий районларга ажратган.

А.Ниғматов, Н.Шомуродовлар (2006, 2007) Ўзбекистонни экотуристтик районлаштиришда Қашқадарё вилояти ҳудудини 2 та (Қашқадарё ва Ҳисор) экотуристтик районларга, А.Солиев томонидан 2 та (Қуйи минтақа ёки Қарши, Юқори ёки Шаҳрисабз) ички иқтисодий районларга, Р.Усманова Қашқадарё

вилоятини ландшафтларидан рекреация мақсадларида фойдаланишда 3 та (тоғ, тоғолди, текислик) рекреацион районларга, П.Курбонов (2012) вилоятни шаҳарсозлик нуқтаи назардан 3 та (текислик, тоғолди ва паст тоғлар, тоғлар) районларга, М.Файзуллаев (2017) жанубий Ўзбекистон чўл ҳудудларида қишлоқ хўжалигининг ривожланиш муаммоларини ҳисобга олиб 3 та (Юқори Қашқадарё, Ўрта Қашқадарё, Қуйи Қашқадарё) агрогеографик районларга ажратганлар.

Туристик районларни аниқлашда улардаги туристик ресурсларнинг мавжудлиги, шунингдек, ушбу ҳудудларнинг туристик салоҳияти, туризм турларини ривожлантириш билан бирга маъмурий-ҳудудий чегаралар доирасида рекреацион районлаштириш ва рекреацион салоҳиятини баҳолашни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур тадқиқотда вилоятни туристик районлаштиришда ҳар бир ҳудуднинг туристик ресурслар салоҳияти, ташриф буюрган туристлар сони, сайёҳларнинг эҳтиёжларини қаноатлантира оладиган туристик объектлари, транспорт ва бошқа инфратузилмаларни ривожланганлик даражаси, ҳудудларда янги туризм турларини ва янги йўналишларни шакллантириш, вилоятнинг республикамиз ва жаҳон туризмидаги ўрнининг ҳудудий тафовутлари ва маъмурий-ҳудудий бирликларини ҳисобга олиб, Қашқадарё вилоятини қуйидаги 3 та туристик районга ажратилди: Шимолий-шарқий туристик райони (Шаҳрисабз шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб ва Яқкабоғ туманлари), Марказий туристик райони (Қарши шаҳри, Қарши, Косон, Чироқчи, Ғузур, Деҳқонобод ва Қамаши туманлари) ва Ғарбий туристик (Касби, Муборак, Миришкор ва Нишон туманлари) райони.



**1-расм. Қашқадарё вилояти туристик районлар картаси.**  
(картанинг муаллифлик нусхаси 1:1000000 масштабда тузилган).

Юқоридагилар асосида Қашқадарё вилоятининг 1:1000000 масштабдаги туристик районлари каратаси яратилди (1-расм). Вилоятдаги туристик районлар бўйича сайёҳлик маршрутларини тузишда қуйидаги тамойиллар ҳисобга олинди.

Аралаш (мавзули, рекреация, спорт), мавсумийлиги (бизнес, савдо, илмий туризм ва агротуризм учун йил бўйи ўтказиладиган маршрутлар), мавсумий (зиёрат, экотуризм ва б.), трасса тузилишига кўра (ҳалқали, аралаш), давомийлигига кўра (бир ва кўп кунлик), транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳолатига кўра (транспорт турлари) ва маршрут мазмунига кўра (табиат қўйнида ва бошқалар) каби жиҳатларини ҳисобга олиш зарур.

Қашқадарё вилоятининг туризм-рекреация салоҳиятини комплекс тадқиқ қилиш, ўз навбатида уларнинг ҳудудий таркиби ва шунингдек, янги, жозибадор туристик маршрутлар йўналишларини аниқлаш, уларнинг паспортларини ишлаб чиқиш имконини берди. Мазкур туристик паспортлар ўзида маршрут йўналиши, ташкил этиш шакли, туристик объектлар рўйхати ва уларнинг тавсифи, маршрутнинг масофаси, давомийлиги, туристик инфратузилма имкониятларини ўзида мужассамлайди.

Тадқиқотлар натижасида Қашқадарё вилоятида илк бор табиий географик ва рельеф хусусиятларидан келиб чиқиб “Уч йўналиш” (“Ҳисор тоғлари”, ” Чўл атиргули”, ”Воҳа”) бренди остида янги аралаш (мажмуали) турдаги 12 та туристик маршрутлар ишлаб чиқилди. Ушбу маршрутлар трасса тузилишига кўра чизикли, ҳалқали ва радиал маршрутларни муайян тарзда мужассамлаштирган ҳаракат йўналиши сифатидаги аралаш ҳалқали маршрутлар туркумига киритилади. Бир қанча туристик-рекреацион объектларни ўз ичига олган мазкур туристик маршрутлар такомиллаштирилди ва уларнинг намунавий паспортлари ишлаб чиқилди. Вилоятда “Уч йўналиш” бренди остида қизиқарли, жозибадор ва бир вақтнинг ўзида тўрт фаслни намоён қилувчи ва бошқа турли хил туризм ва рекреация турларини ўзида бирлаштиради.


Диссертациянинг **“Қашқадарё вилоятида туризм ва рекреацияни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари”** деб номланган тўртинчи бобида туризм-рекреация инфратузилмасининг ривожланиши муаммолари, туристик-рекреацион салоҳиятини ижтимоий-сўров асосида таҳлил қилиш ва вилоятда туризм ва рекреацияни ривожлантириш истиқболлари каби масалалар баён этилган.

Вилоятда ҳозирги кунда кўплаб меҳмонхоналар қурилмоқда, айниқса, хусусий туристик меҳмонхоналар сони ортиб бораёпти, жумладан, вилоятда 2020 йилда 55 та (2019 йилда 47 та, ўринлар сони 1297 та) меҳмонхоналар бўлиб, 2469 та ўринни ташкил қилган. Меҳмонхоналар сони бўйича юқори салоҳиятли ҳудудларга Қарши (25 та) ва Шаҳрисабз шаҳарлари (11 та) кирса, ўрта салоҳиятли ҳудудларга Шаҳрисабз (14), Китоб (10) ва Яккабоғ (10) туманлари, аксинча паст салоҳиятли ҳудудларга Қамаш, Нишон, Миришкор Касби туманлари ва қолган туманлар ўртачадан паст салоҳиятли ҳудудларга мансуб. Паст ва ўртачадан паст салоҳиятли ҳудудларда давлат хусусий

шерикчилик асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда меҳмонхоналар қуриш ва туристик хизматларни яхшилаш мақсадга мувофиқ.

Қашқадарё вилоятида бугунги кунга қадар жами 47 та оилавий меҳмон уйлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг сони тез ўсиб бормоқда ва йил давомида меҳмон уйлари 26 тага кўпайди, оилавий меҳмон уйларда 186 та хона, 396 та ўринлар сони мавжуд. Меҳмон уйлар сони бўйича Шаҳрисабз шаҳри (37 та) юқори кўрсаткичга эга бўлиб, бошқа ҳудудлар, жумладан Қарши шаҳрида 6 та, Шаҳрисабз туманида 2 та, Китоб ва Чирочки туманларида 1 та меҳмон уйлари фаолият олиб бормоқда, аксинча вилоятнинг қолган ҳудудларида бирорта меҳмон уйлари ташкил этилмаган.

Қашқадарё вилоятига оид мавжуд меҳмонхона ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситалари маълумотлари асосида ArcGIS, CorelDraw дастурлари ёрдамида вилоятнинг 1:1000000 масштабдаги туризм-рекреация инфратузилмаси картаси яратилди (2-расм). Ўзбекистонда ва шу жумладан Қашқадарё вилоятида ҳам туризм инфратузилмасини ривожлантириш, хусусан, транспорт йўллари сифати жиҳатидан ҳам туризм бозорининг бошқа иштирокчиларидан анча орқада қолмоқда.



**2-расм. Қашқадарё вилояти туризм-рекреация инфратузилмаси картаси.**

*(картанинг муаллифлик нусхаси 1:1000000 масштабда тузилган).*

